

**"БОБУРНОМА" ДАГИ "ШОҲРУХИЙ, АШРАФИЙ, ТАНГА" ЎЛЧОВ
БИРЛИКЛАРИ ЛЕКСЕМАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИ
ТАХЛИЛИ.**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11530266>

Sayyora Shodmonova

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori

PHD dotsent. Qarshi muhandislik-iqtisodiyot institute

E-mail:sayshodmonova71@gmail.com

Tel:(95) 322 00 04

ORCID ID 0009-0005-2564-9003

Қадимда ўлчов бирликлари олтин, кумуш ёки мисдан ясалган ва англлатган қиймати шунга мувофиқ ҳолда бир-биридан фарқ қилган, яъни тангаларнинг қиймати тангага ишлатилган олтин, кумуш ёки мис оғирлик даражаси ҳамда металнинг қадри билан белгиланган. Демак, танга қандай предметдан ясашишдан қайти назар, ўша давр учун пул бирлиги бўлган. "Бобурнома" матнида пул қийматини ифодаловчи: динор// динар, дирхам// дирам, флус// фулус, донге, танга, ашрафий, ярмоқ, шоҳрухий кумуш, олтун, ротиба, ваҳж, шунингдек, олмос пул бирликлари учрайди.

"Бобурнома" матнида: "Чаҳоршанба куни Борик об тушганда Ҳиндустонда қолгон Нурбекнинг иниларидин йигирма минг шоҳрухийлик олтун ва ашрафий ва тангаким, Хожа Ҳусайн девон Лаҳўр холисотидин йибориб эди, келтурди" (БН.184), деб ўқиймиз.

Лейден-Эрскин таржимасида: On Wednesday, when we were coming to our ground at Barik-ab, the brothers of Nur Beg, who had remained behind in Hindustan, arrived bringing to the amount of twenty thousand shahrokhis, in gold, in ashrafis and tankis, which Khwajeh Hussain, Diwan of Lahore, had sent by them (L-E, Voll.II; 155) тарзида таржима қилинади.

Аслият матнида: "йигирма минг шоҳрухийлик олтун ва ашрафий ва тангаким" пул қийматини билдирувчи ўлчов бирликлари лексемалари, таржимада: twenty thousand shahrokhis, in gold, in ashrafis and tankis, шаклида қайта тикланади. Эътибор қаратсак, пул бирлиги лексемалари транслитерация усулида берилган олтин сўзининг муқобил варианты борлиги учун таржимаси берилган. Таржимага аниқлик киритиш мақсадида, Лейден-Эрскин томонидан пул ўлчов бирликлари лексемалари

таржимасининг сатр остида келтирган изоҳини беришни маъқул топдик: About £1,000 sterling. Nothing can afford a stronger proof of the scarcity of specie in Kabul than this appropriation of so small a sum. The tanki, or tangi, is a small silver coin of the value of about fivepence. The name of ashrafi is applied to the gold mohur, which is worth about a guinea and a half. It is applied, however, to gold coins of various magnitude and value (Тахминан 1,000 фунт стерлингдир. Майда миқдордаги сўм маблағига қараганда Кобулдаги қиймат турларининг етишмаслиги бунга далилдир. Танки ёки танги - кумуш танга бўлиб, қиймати беш пенсга тенг. Олтин мохур ашрафи номи билан аталади, қиммати графия ва унинг ярмига тенгдир. Аммо у ҳар хил катталиқдаги ва қийматдаги олтин тангаларга нисбатан кўлланилади (М.Т). Бундан кўринадики, таржимон ўзга тилда ифода этилган пул қийматини шу тилда сўзлашувчи халқ учун тушунарли ифодалашга ҳаракат қилади.

А.Бевериж таржимасида: On Wednesday, when we had dismounted at Barik-ab, the younger brethren of Nur Beg – he himself remaining in Hindustan – brought gold, ashrafi and tankas to the value of 20,000 shahrukhis, sent from the Lahor revenues by Khwaja Husain (A.V.446) тарзида қайта яратилади. Аслият матнида: “йигирма минг шоҳрухийлик олтун ва ашрафий ва тангаким” пул қийматини билдирувчи ўлчов бирликлари лексемалари таржима матнида: gold, ashrafi and tankas to the value of 20,000 shahrukhis (олтин, ашрафий ва танга йигирма минг шоҳрухий қийматига эга) деб келтирилади. А.Бевериж ҳам пул ўлчов бирликлари лексемаларини таржималарига изоҳ келтиради. Изоҳда: Discussing the value of coins mentioned by Babur, Erskine says in his History of India (vol, i, Appendix E.) which was published in 1854 AD. that he had come to think his estimates of the value of the coins was set too low in the Memoirs (published 1826 AD.). This sum of 20,000 shahrukhis he put £1,000. Cf. E.Thomas' Pathan Kings of Dihli and Resources of the Mughal Empire” (Бобур томонидан тангалар қиймати билдирилган муҳокамаси, 1854 йилда нашр қилинган Эрскиннинг Ҳиндистон тарихи (I-жилдининг E апендиксида) эсдаликларда келтирилган тангалар қиймати жуда кам қийматга эгаллиги таъкидланган, деган фикрга келган. 20 минг шоҳрухийни 1.000 фунт стерлингга тенг кўяди ва Э.Томсинг “Дехли подшоҳи ва мўғул империясининг ресурслари” китобида (М.Т) деб келтиради.

Ҳар иккала таржимонлар томонидан ёзилган изоҳларни келтириб ўтишни жоиз деб топдик, чунки булар айнан пул бирликларини аслиятга нисбатан қайта тиклаш жараёнида келиб чиққан айрим фикр ва мулоҳазаларни кўрсатиб бериш учун хизмат қилади.

В.Текстон таржимасида: On Wednesday, at Barikao, one of Nur Beg's younger brothers brought twenty thousand shahrukhis worth of gold, ashrafis, and tankas, which Khwaja Husayn the divan had forwarded from the Lahore revenues. Most of it was sent for the benefit of Balkh by Mulla Ahmad, one of the lords of Balkh (W.T.311) деб таржимада келтиради.

Пул ўлчов бирликлари лексемаларини мутаржим: "twenty thousand shahrukhis worth of gold, ashrafis, and tankas" шаклида қайта яратади. В.Текстон ҳам таржимада олтин сўзини эквиваленти билан алмаштиради, қолганларини эса транслитерация йўли билан амалга оширади.

Таржималарни амалга оширишда ҳар бир таржимон ўз нуқтаи назаридан ёндашганини кўради. Учала таржимон ҳам ўқувчисига тушунарли тарзда бўлиши учун таржиманинг турли йўлларига кириб кўрган, прагматик жиҳатидан ўқувчига қулай имконият яратишга ҳаракат қилган. Лейден-Эрскин ҳам ўқувчилари учун тушунарли бўлиши илинжида изоҳларни аниқ келтиришга уринган. Бу ҳам таржимоннинг юксак маҳорат эгаси эканлигидан дарақдир.

Профессор Ғайбулла-ас-салом таъбири билан айтганда: "Мутаржим жудаям ўзига хос лаёқат, иқтидор, истеъдод ва билим соҳиби бўлишидан ташқари, унинг заковатида деярли барча ижод аҳлининг фаолиятига хос: таҳлил, тасвир, тийнат яратиш, кайфият туғдириш ва ҳатто махсус "ўқий билиш" сифатлари жамулжам". Дарҳақиқат, таржимон бу соҳада моҳир таржимон бўлиш билан бирга, ижодкор яратган асарнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниши ҳамда унинг миллий ва маданий хусусиятларини англаб етиши лозим. Шундагина, таржима асарлари худди аслиятдагидек ўз мазмун ва шаклини сақлаб қолади, шунингдек, ўқувчига аслият матнидек ўқиб, воқеалар тасвирини аниқ кўз ўнгида тасвирлантира олишига катта имконият яратилади.

Яна бир пул қимматини билдирувчи Ашрафий сўзи ҳам пулнинг эски бирлиги бўлиб, червон қийматига тенг бўлган. Червон ўн сўмлик (10 сўм) пул қийматини англатади. Алихон чиқиб, бир пора ашрафий пешкаш қилди (БН.363). Баъзи манбаларда қайд этилишича, ашрафий Эроннинг миллий олтин пули бўлган. Бу нарса Техронда чоп этилган "Луғатнома"да ҳам қайд этилган. Бу сўз тарихи ҳақида Эрон тилшунослари орасида икки хил фикр юради: 1. Ашраф Афғон Фотеҳи Исфохон XII асрда шу тангани зарб эттирган. Шунинг учун пул унинг номи билан юритилади. 2. Бу пул ашраф ойида зарб этилган. Аммо бу маълумотлардан қатъи назар Эрон ашрафийси уч хил бўлган: 1) бир туман, яъни бир мисқол тилло; 2) беш минг туман, яъни ярим

мисқол тилло; 3) икки минг туман, яъни тўрт ярим тилло. Бошқа мамлакатларда “ашрафий”ни “лира” деб ҳам номлашган. Бу сўз XIX аср манбаларида ҳам сийрак бўлса-да, учрайди. “Гиёс ул - луғот” да у олтин ақча, яъни 10 моша миқдорда бўлганлиги қайд этилган .

Юқоридаги таржима матнларининг таҳлили жараёнида “шоҳрухий, ашрафий, танга” пул қиймати бирликларининг аслият матни ва таржималарда берилиши бўйича мисоллар келтириб таҳлилга тортдик. Уларни таржималарда қай йўсинда акс этганлигини кўрсатиб бердик. Шунинг учун аслиятда келтирилган матн билан чекландик.

Гулбаданбегим “Хумоюннома” асарида ҳам Ҳиндистонда XVI асрда истеъмолда бўлган ўлчов бирликларидан пул қийматини ифодаловчи “ашрафий” ва “шоҳрухий”ни кўп қўллаган. “Ашрафий” Ҳиндистонда узок вақтлар амалда бўлган ва бугунги кунда ҳам халқ тилида сақланиб қолган.

Ўрта аср халқ ҳаётида кенг қўлланилган ўлчов бирликлари лексемаларини ўша давр учун хос бўлмаган ёки айни пайтдаги халқаро ўлчов бирлиги тизимида қабул қилинган термин орқали ўгириш тўғридан-тўғри анахронизмга олиб келган бўлар эди. Мутаржимлар анахронизмдан сақланган ҳолда, бу ўлчов бирликлари лексемаларини қайта тиклаш жараёнида таржиманинг бошқа усулидан фойдаланиб, қайта тикласа ҳам бўлади. Шунингдек, “таржимон ҳар бир муайян ҳолатга ижодий ёндашиши, муаллиф фикрини тўғри акс эттириш учун қайғуриши шарт” .

Худди шунингдек, пул ва баҳо ўлчов бирлиги лексемаларининг таржимаси, мутаржим рўбарў келадиган мураккаб масалалардан биридир. Чунки баҳо бирликлари ҳар бир халқ тилида нафақат номланиши, балки қиммати жиҳатидан ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Ҳатто муайян бир халқ ҳаётида маълум бир баҳо ўлчов бирлиги турли даврларда турли қийматларга эга бўлиши аён. Бу, албатта, ўша давр ҳаётининг иқтисодий аҳволи, моддий шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда кундалик турмуш тарзимизда ишлатиладиган баҳо бирликлари ҳаммамизга таниш бўлишига қарамай, ўтмишда ота-боболаримиз тушунчаларидан келиб чиққан ҳолда номланган ва белгиланган баҳо ўлчовлари ҳақида ҳамма ҳам аниқ маълумотга эга эмас, албатта. Бундай баҳо ўлчов бирликларини эндиликда фақат илмий ёки тарихий бадиий асарларда учратамиз. Қадимда Ўрта Осиёда пул, пақир, мири, танга ўлчов бирликлари бўлиб, кумуш ва тилла тангалар алоҳида фарқланган .

Пул фақат тушунчаларнигина эмас, балки аниқ миқдордаги баҳо ўлчовини ҳам англатган. Бир пул – қадрсиз, дурустроқ нарса харид қилиб

бўлмайдиган қора чақани ифодаллагани учун ҳам, кўчма маънода мулзам бўлган, уятга қолган одамга нисбатан обрўси бир пул бўлди, деган ибора ишлатилган. Ҳозирги вақтда ҳам жонли тилда бу иборани учратишимиз мумкин. Демак, баҳо ўлчов бирликлари нарх-наводаги муайян қийматни ифодалашдан ташқари кўчма маънода ҳам қўлланиши мумкин экан. Шу боисдан таржимон таржима қилган асаридаги баҳо ўлчов бирлигининг қийматини, қўлланилган ўрнини, бажараётган вазифасини ҳисобга олган ҳолда иш кўриши муқобилликка эришида муҳим омиллардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, пул қийматини ифода этувчи ўлчов бирликлари ҳам изоҳ ва шарҳларга берилиш орқали адекват ўтирилмаган. Гарчи таржимонлар бу ўринда инглиз тили рецептори эҳтиёжини ҳисобга олган бўлсалар-да, бу тадбир оқибатида келиб чиқадиган матн ғализлигини кўздан қочирганлар. Натижада пул қийматини берувчи ўлчам таржималарда тўла ифодаланмай қолган. Бу жиҳатлар таржима амалиётига киришишдан олдин шу халқ тили, тарихи, маданияти, урф-одатларидаги нозикликларни тўла ўрганишга ундайди.

Аммо Лейден-Эрскин, А.Бевеиж, В.Текстон таржималарининг шундай ижобий, прагматик хусусиятлари ҳам борки, уларни умумлаштириб нашр этириш Европа инглиззабон ўқувчиларига “Бобурнома” ва унда акс этган ўлчов бирликларига оид теран тасвирлар моҳиятини англаш имконини беради.

ФҲЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Beveridge A.S., *The Bābur-nāma in English (Memoirs of Babur)*, Translated from the Original Turki Text of Zahiru'ddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette, Susannah Beveridge. 2 Vols, – London, 1922; Repr, in one Volume, – London, 1969; – New Delhi, 1970; – Lahore, 1975. – P.134
2. Leyden J., W.Erskine. *Memoirs of Zehired-din Muhammed Babur, Emperor of Hindustan.*– Edinburg, 1826. – P.422
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». – Тошкент: Шарқ НМАК, 2002. – Б.37.
4. *The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor*, Translated, Edited, and, Annotated by Wheeler M., Thackston. – New York & Oxford, 1996. – P.121
5. Назокат Жиянова. “Бобурнома”да нумератив сўзлар. Филол.ф.ном. дисс..автореферат. Т.: 2010

6. Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида. Қиёсий-типологик таҳлили. Филол. Фан. Док. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.224.
7. Федоров А.В. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы). – М.: Высшая школа, 1983. – С.134
8. Раҳимов Ғ.Таржима назарияси ва амалиёти. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – Б.113.
9. Ҳақимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. НДА. Фарғона, 2004.
10. Қудратуллаев Ҳ. “Бобурнома”нинг адабий-тарихий ва услубий таҳлили, док. дисс..автореф. –Т.: -1998. – Б.43
11. Холмирзаев Ф. Хотира уйғонса гўзалдир. – Т.: Фан, 2003. – 56 б.
12. Холманова З. «Бобурнома» лексикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.3.